




# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан  
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 74 (8.964)

1997 йил

30 июнь, душанба

Сотувда эркин нархда

**«Тошсут» ҳиссадорлик жамиятида бугунги кунда 30 турдан ортиқ сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, улар ўз харидорларини тезда топмоқда.**

— Биз бу муваффақиятларга фақат юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш билангина эмас, балки ишлаб чиқариш қувватини ошириш, янги технологияни тadbик қилиш, ана шу асосда чет эл инвестициясини жалб қилган ҳолда янги корхоналар, шу жумладан қўшма корхоналар очиб эвазига эришмоқдамиз, — дейди жамият бошқаруви раиси Рустам Юсу-

пов. — Яқинда Швециянинг янги «Тетра пак» технологияси асосида тайёрлаган етти турдаги сут ва мева шарбатлари ҳам жуда тез ўз харидорларини топди.

мандаринли ва олмали шарбат тайёрлаб бериш бўйича 600 дан ортиқ шартнома тузилди. Шунингдек, худди шундай маҳсулотларни экспорт қилиш

нешнл» фирмаси билан ҳамкорликда киви, манго, ананас ва йогуртдан тайёрланган шарбатларни ишлаб чиқарувчи кичик қўшма корхона таш-

сизлар?» деган саволи-мизга раис шундай жавоб берди:

— Биз асосан сутни Тошкент вилоятининг жамоа ва фермер хўжалик-

олаямпиз. Чунки корхона-мизда кунга 160–170 тонна турли хил сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгандан буён ўтган қисқа даврда иш сифати ва самарадорлиги ошди. Буни корхонанинг тўхтовсиз ишлаб турганидан ҳам билса бўлади. Корхона ҳиссадорларининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида эса янада унум билан ишлаб, ҳақон бозоридан ўз ўрнини топа оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш масаласи ҳам биринчи ўринга қўйилди.

Шарофат ИЛХОМОВА.

## ЖАҲОН БОЗОРИНИ КЎЗЛАБ

Корхона ахли республика-миз аҳолиси талаб ва эhtiёжини қондириш-ни ўзларининг асосий мақсадлари деб биладилар. Республика-миз вилоятлари билан шоколадли сут, апельсинли,

учун Россия ва Қозоғистон билан бир битимга келишилди.

Республика-миз Мустақиллигининг 6 йиллигига корхона ахли ҳам ўзига хос совға ҳозирламоқда. Улар таниқли «Ян Интер-

кил этишди. Байрам кунлари пойтахтимиз аҳолиси уларнинг таъмини то-тиб қўриб, ўз баҳо-ларини берадилар, албатта.

«Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун асосий хош ашёни қаердан ола-

ларидан оламиз. Кейинги пайтда, сут маҳсулотлари-га талаб юқори бўлгани сабабли, хўжаликлардан келтирилаётган сут камлик қилиб қолди. Шу тўғрисида сутни хусусий шахслардан ҳам имкон қадар сотиб

## ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Биз юртимизда эркин, ҳуқуқий, демократик давлат барпо этилмоқда. Мамлакатимизда давлат қурилиши, сиёсат, иқтисодиёт, маънавият соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ана шу эзгу мақсадини рўйбга чиқаришга қаратилган. Шу жиҳатдан олганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақидаги Фармони адолатли, ҳуқуқий, демократик давлат қурилишида, халқимизнинг юксак ҳуқуқий онгини оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Биз Фармоннинг аҳамияти ва унинг бугунги кундаги ўрни тўғрисида бир қатор ҳуқуқшуносларнинг фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдик.

◆ Бухориддин МАМЕДОВ, Тошкент Давлат юридик институти «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедраси мудири, филология фанлари доктори:

— Дарҳақиқат, ушбу Фармон бугунги куннинг долзарб масалаларини ўзида ёрқин ифода қилади. Юртимизда эркин, ҳуқуқий давлат қуриш эканлиги, фақат ҳуқуқ-тарғибот идоралари ёки шу соҳа мутахассисларига эмас, балки республика-мизда яшовчи барча фуқаролар ҳуқуқий билимга эга бўлишлари керак. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони аниқ дама сув билан ҳаводек зарур эди. Ҳатто Фармоннинг 2,2-бандида кўрсатилган жамоатчилик фикрини ўрганиш марказига «Ўзбекистонда жамоатчилик фикри» махсус даврий журналини ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр қилинишига рухсат берилганини юқоридаги фикрларимизга ҳамоҳангдир.

◆ Мурод СУЛАЙМОНОВ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Адлия бoshқармасининг етакчи мутахассиси:

— Фармонда барчамизнинг кўнгилмиздан ўтаётган масалаларга эътибор қаратилганини аниқ муддао бўлди. Ҳақиқатан ҳам Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳуқуқий жиҳатдан билимли бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг юксалиши, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини тўла англаб етишига эришиши бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Масалан, Фармоннинг 4-бандида белгиланган, яъни Адлия вазирлиги қoшида юристлар малакасини ошириш марказининг тузилиши ҳамда ўқитиш ишларининг йўлга қўйилиши ҳаммамиз учун ҳам аниқ муддаодир. Бу ўринда шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, қонуннинг кимга ва қайси соҳа вакиллари-га мўлжалланганлиги ҳам алоҳида диққатга сазовордир. Шунга кўра улар содда, аниқ, раван ва тушунарли бўлиши керак.

Очил ҲАЗРАТОВ ёзиб олди.

### Спорт

## ЧАВАНДОЗЛАРГА — СОВРИНЛАР


Тошкентдаги Республика отчопарида икки кун давомида от спорт буйича халқаро тижорат турнири бўлиб ўтди.

Унда Киргизистон, Қозоғистон ҳамда Ўзбекистонлик 18 та етакчи чавандоз иштирок этди. Мусобақа шартлари анча мураккаб бўлиб, чавандозлар 1,5 метр баландликдаги 13 та тўсиклардан ўтиш бўйича ўзаро беллашди.

Саралаш беллашу-лари тугагач 8 та чавандоз асосий мусобақада иштирок этиш

ҳуқуқини қўлга киритди. Кескин ва қизикарли баҳслардан сўнг бosh соврин — «Индиана» фирмаси томонидан таъсис этилган «Дамас» энгил автомашинаси қозғистонлик халқаро тоифадаги спорт устаси Олег Популяевга насиб этди. Иккинчи соврин — рагнли телевизорни ҳам унинг ҳамюрти Александр Ижков қўлга киритди. Учинчи ўринни эгаллаган ўзбекистонлик Алексей Локтевга гилам совға қилинди.

Шоҳалол ШОҚОСИМОВ.



Тошкент шаҳар ҳокимлигида

## ЎЗ АВЖИДА, ШАҲАР ЭСА ҚИШГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида 27 июнь кунини Ўзбекистон Бosh вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида пойтахтда қиш мавсумига тайёрлик ишларининг боришига бағишланган йиғилиш бўлди. Унда тегишли вазирликлар, қўмиталар, уюшма ва идоралар, шаҳар корхона ва ташкилот раҳбарлари, туманларнинг ҳокимлари қатнашди.

Маълумки, ишларнинг маромида ва самарали бўлиши таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра 1997—1998 йилги қишолди ишларининг дастури ва тармокларда уларнинг баҳарлиш жадаллари тасдиқланган эди. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари, қўмандан-қўдалаш худудий бирлашмасининг бошлиғи В. Н. Дорохов ўз сўзида шунини таъкидладики, ўтган мавсумда пухта олиб борил-

ган ишларга қарамай қўлгина жойларда камчилик ва нуқсонлар кўзга ташланди. Бу нарсаси асосий дастурда келгуси давр учун қўшмача ишларни бажаришда ўз ифодасини топди. Ҳисобот даврида Тошкент иссиқлик маркази бўйича режалаштирилган 14 та қозонхона-нинг олтинчиси фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.

73 та уйда иссиқлик, сув таъминоти ички тизимлари капитал таъмирдан чиқарилди. Яна 128 та уйда шундай ишлар амалга оширилмоқда. Маълумки, ўтган мавсумда айрим туманларда иссиқликнинг етарли берилмаганлигининг боиси 2 ва 7-қозонхона-ларнинг ёмон ишлаганилиги оқибатида рўй берди. Ҳозирги вақтда, деб таъкидлади энергетика ва электрлаштириш вазирлиги В. Н. Отаев, ана шу қозонхона-ларда таъмирлаш ишлари тўғрисида етмиш афрасида турибди.

Йиғилишда барча туманларнинг ҳокимлари шаҳарни қиш-

га тайёрлаш ишлари хусусидаги ахборотлар билан чиқдилар. Уларнинг қўлчилиги уй-жой фондини таъмирлаш масалаларига асосий эътиборни қаратган ҳолда идорага қарашли уйларнинг раҳбарлари томонидан ишларнинг етарли даражада олиб борилмаётганлигини таъкидладилар. Шу нарсаси аён бўлдики, айрим туманларда (Шайхонтоҳур, Акмал Икромов) асосан хусусий шўъбадаги уйларида ёзги вақтларда совуқ ичимлик суви-ни беришда узилмиш ҳоллари рўй бермоқда.

Йиғилиш қатнашчилари ҳисобот даврида қилинган ишларга яқин чиқиб барча қишолди ишларини шу йилнинг биринчи сентябрга нисбатан етказишга ваъда бердилар. Йиғилиш ишида Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосарлари Р. Юнусов, К. Ҳаққулов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.



## МАТБУОТЧИЛАР БАЙРАМИ

«Журналист деганда халқимиз кўз ўнгиде элу юрт қувонч ва ташвишларига ше-рик, доимо янгиликлар изидан юрғувчи баҳаловат инсон намоён бўлади. Шу боис одамлар матбуотга, радио ва телевидениега катта умид билан қарайдилар, қўнгилларини очадилар, уларни ҳаётда энг зарур, энг содиқ дуст-хамроқ сифатида қадрлайдилар» — Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан йўллаган табриғидеги бу сўзлар 27 июнь кунини шаҳаримизнинг энг сўлим гуша-ларидан бири — пойтахт-миздаги «Тошкентлэнд» исти-рохат боғига ташриф буюр-

ган ҳар бир ижод ахли қал-биде бир олам фаҳр ва ифти-хор туғилурларини уйғотди. Ҳа, шу кунини эрталабданок матбуот, радио ва телевидение ходимлари, босмахона ишчи-хизматчилари ўзларининг қасб байрамлари — миллий матбуот кунини байрам қилгани ва ер-га қалдилар. Эрталабданок ян-гадан қарнай ва сўнай садо-лари байрам файзига янада фойа қўйди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табриғини республика Президентидеги Ахборот маркази раҳ-бари Саъдулла Ҳақимов ўқиб берди. Йиғилишда сўзга чиқ-қан Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси-

нинг раиси Рустам Шогуло-мов, кеска журналист, «Ўзе-бистон матбуоти» журналининг бosh муҳаррири Зиёд Есенбоев, тележурналист Муаттар Аска-рова ва бошқалар ҳамкасб-ларини байрам билан қўтлаб, уларнинг Ватанимиз равнақи йўлида ижодий фаолиятига муваффақият тиладилар. Қалам ахлига кўрсатилмаётган эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорчилик сўзлари билди-рилди.

Йиғилишда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг меҳнатини қад-рлаш, эъзозлаш борасиде ибратли ишлар амалга оши-рилаётганлиги, Ўзбекистон матбуотини демократлашти-риш ва қўллаб-қувватлаш иж-тимоий-сиёсий фондининг

ташкил этилиши, Олий Маж-лис сессиясиде журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш ва ахборот олиш ҳуқуқини кафо-латлашга қаратилган Қонун-ларнинг қабул этилганлиги бунинг ёрқин мисоли эканли-ги таъкидланди. Бинобарин Ўзбекистон матбуотини де-мократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди ўтказган «Йилнинг энг яхши журналисти» танлови ғолиблари ҳам йиғилишда муборакбод этилди. Ғолиб-ларга мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Маросимда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Уткир Раҳматов қатнашди.

СУРАТЛАРДА: «Тошкентлэн-д» истирохат боғиде мат-буотчилар байрамига бағиш-лаб ўтказилган йиғилишдан лавҳалар.

Рашид Галиев олган суратлар.



### МАМПАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов кеча ўзларининг қасб байрам-ларини биринчи марта нишонлаган савдо, матбуот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимларига табрик йўлла-ди. Шу муносабат билан 27 июнь кунини «Тур-кистон» саройида йиғилиш бўлиб ўтди. Дав-латимиз раҳбарининг савдо, матбуот коо-перацияси, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимларига йўллаган табригини республика Бosh вазирининг ўринбосари М. Усмонов ўқиб эшиттирди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига кўра Алишер Воҳидов Ўз-бекистон Республикасининг Бирлашган Мил-латлар Ташкилотидеги доимий вакили этиб тайинланди ва унга иккинчи даражали Фа-вқуллада ва Мухтор вакил дипломатик марта-баси берилди.

● Вазирлар Маҳкамасиде Бosh вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раисли-гиде ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг мажлиси бўлди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-камасиде Ўзбекистон Республикаси ва Араб иқтисодини ривожлантириш Қувват жамғар-маси ўртасиде Оролбўйи худудларини ичим-лик суви билан таъминлаш доирасиде Урганч ва Нукус шаҳарларини сув билан таъминлаш-ни кенгайтириш ва яхшилаш учун 2016 йил-гача 20 миллион АҚШ доллари миқдориде қарз бериш тўғрисида битим имзоланди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентини ху-зуридаги Давлат ва жамият қурилиши акаде-мияси «Жамият ва бошқарув» журналини чоп этадиган бўлди.

● Ўзбекистонлик мусаввир Николай Шин Корея Республикасининг олий мукофоти — Олтин Юлдуз билан мукофотланди. Маълум-ки, мусаввирнинг асарлари шу кунларда Сеул-даги замонавий санъат миллий музейиде на-мойиш этилмоқда.

● Кеча таэквандо бўйича Ўзбекистон мил-лий терма командаси ҳақон чемпионати му-собақалариде қатнашиш учун Санкт-Пете-бургга жўнаб кетди.

### ҲАМДОСТИПКИДА

● 27 июнь кунини Кремлда Тожикистон Пре-зиденти Имомали Раҳмонов ва Бирлашган то-жик муҳолифатчилари етакчиси Саид Абдул-ло Нурий Тожикистонда тинчлик ва яраш би-тимини имзоладилар.

● Украинада мамлакат янги Конституция-сининг бир йиллиги тантанали равишда ни-шонланди.

● Белоруссия ташқи ишлар вазирини И. Ан-тонович расмий ташриф билан Кубага жўнаб кетди.

● Бугун Санкт-Петербургда физиологлар-нинг Бунтунжаҳон конгресси очилди.

● 27 июнь кунини кечқурун Москва—Санкт-Петербург пассажиер поездининг вагонла-ридан бирида қучли портлаш юз берди. Беш киши ҳалок бўлди, 13 киши касалхонага ёт-қизилди. Тергов ишлари бошланди.

● Арманистонда рўй берган қучли сув тош-қини натижасиде тўрт киши ҳалок бўлди, хал-қ хўжалигига жиддий зарар етди.

● Бокуда Озарбойжон коммунистларининг курултойи тарқатиб юборилди. Республика компартияси ҳанузга қадар белгиланган тар-тиб бўйича Адлия вазирлиги томонидан рас-мий равишда рўйхатдан ўтолмаган.

● Чеченистон Бosh вазирининг ўринбосари М. Удугов раҳбарлигиде республика рас-мий делегацияси Москвага келди. Делегация божиона, банк ва нефтини элтиб бериш бўй-ча битимларни имзолайди.

● Москвада Россия ва Озарбойжон ўрта-сидеги иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукумат-лараро комиссиянинг мажлиси бўлди.

### ХОРИЖДА

● Бугун тунда Британиянинг собиқ мустам-лакаси бўлган Гонконгнинг Хитой тасарруфи-га тантанали ўтиш маросими бўлади. Ана шу тантаналарда дунёнинг қўлгина давлатлари раҳбарлари қатнашади.

● Албанияда кеча ўтган парламентга мул-датидан илгари умумий сайловлар ва рефе-рендум якунларини ҳисоб-китоб қилинмоқда.

● Туркиянинг янги Бosh вазирини М. Йилмаз вазирлар маҳкамасининг янгилашган таркиби-ни тақдим этди.

● Хиндистоннинг ғарбидеги Гужарат шта-тида рўй берган қучли сув тошқини оқибати-да 30 дан зиёд киши ҳалок бўлди.

● Нидерландлар Россияга кимёвий қурол-лар заҳирасини йўқ қилиб ташлашда ёрдам кўрсатишга қарор қилдилар. Шу мақсадлар учун 15 миллион доллар ажратиладиган бўл-ди.

● 37 ёшли хорват генерали Тихомир Блаш-кич қарий 15 ой изоляторда сақланганидан сўнг халқаро ҳарбий трибуналга топширил-ди.

● Швейцариянинг Кран-Монтана шаҳрида бўлиб ўтган 8-халқаро анжуманда Альп тоғ-ларидеги дам олиш масканларида сайёҳлик ва транспортни ривожлантиришни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

● АҚШ давлат котиби Олбрайт Сан-Фран-циско шаҳрида сўзга чиқиб, эндиликда тех-ника янада авж олади, деди. Айниқса Хитойда иқтисодий тараққиёт янада ўсади. Гонконг Хи-тойга қўшилгандан сўнг бу мамлакат бозор сари дадил йўл олади, деди давлат котиби.

● Шри-Ланка қўшинлари «Тамил Илама» «Озодлик йўлбарслари» жангариларига қар-ши кенг миқёсда ишларини бошлаб юборди.

● Поляшда хусусийлаштириш жараёнида мамлакатда катталиги жиҳатидан учинчи ўрин-да турувчи мис эритиш комбинатини ҳам дав-лат тасарруфидан чиқариш бошланди. 40 ми-нг кишилик меҳнат жамоеси 15 фоиз акция-ларни олиши керак.

● Халқаро Қизил Хоч қўмитаси Туркменис-тон худудига ўтган афгон қочқоқларига инсон-парварлик ёрдамини келтиришни бошлади. Хо-зирги пайтда қочқоқларнинг сонини 9 миң киши-дан ошиб кетди. Қочқоқларнинг лагерига ичим-лик сувини келтириш асосий муаммодир.

● Кеча футбол бўйича Францияда бўладиган ҳақон чемпионатининг саралаш ўйинида Ўзбекистон терма жамоеси Камбод-жа футболчилари билан рақиблар майдониде такоррий ўйин ўтказиб, уларни 4:1 ҳисо-биде мағлубиятга учратдилар. Футболчилар-имиз 13 очко жамғариб навбатдаги босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.



**«Қоғоз — бу донишмандларнинг фикрини ёруғ жаҳонга тарқатувчи қанотдир», деган эди улуг мутафаккир Алишер Навоий.**

Бу доно фикрни тўлиқ англаб, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқараётган «Ўзбекқоғоз» хиссдорлик жамияти меҳнат жамоаси баҳамжи-хатлик билан меҳнат қилишмоқда.

— Тўғрисини айтсам, — дейди корхона раҳбари Мирбори Мираюбов, — хом ашё танқислиги ишимизга таъсирини кўрсатмай қолмапти. Ўзингиз кўринг, ишчиларимиз билан суҳбатлашинг, ана шунда ишимизга етарли баҳо берамиз.

Ростини айтсам жамият бошқаруви раисининг бу гапидан корхонада меҳнат жараёни тўхтаб қолгандек туюлганди. Лекин корхона цехларига кирсангиз у ердаги ишнинг бир маромда кетаётганлигига ўзингиз гувоҳ бўласиз.

— Корхонамизнинг хиссдорлик жамиятига айланганига 3 йил бўлди, — дейди бизга ҳамроҳ бўлган бошқаруви раисининг ўринбосари Камол Шарифхўжаев, — 750 га яқин ишчи-хизматчимиз бор.

## ҲАМЖИХАТЛИК ҲАММА НАРСАНИ ЕНГАДИ

Чиқарган акцияларимизнинг нархи 100 сўмдан 900 сўмга чиқди, уларнинг 40 фоизи ишчиларимиз қўлида.

Корхонага асосий хом ашё — целлюлоза Россиядан келтирилган экан. Ҳозирда шартнома бўлишига қарамай маблаг йўқлиги сабабли хом ашёни келтиришнинг иложи бўлмапти. Шу сабабли мавжуд цехлар иккиламчи хом ашё ҳисобига ишламоқда.

Дафтар ишлаб чиқариш цехига қадам кўяр эканмиз, дастгоҳларнинг меъёр билан ишлаётганини кўрдик. Бу цехда асосан аёллар меҳнат қилишар экан. 23 ишчига бошқилган қилаётган уста Галина Табакова 30 йилдан буён шу ерда меҳнат қилади. Цехда асосан ўқувчиларнинг дафтари, умумий дафтарлар ишлаб чиқарилади. У тўла қувват билан ишласа бир кунда 250 мингтага дафтар ишлаб чиқариши мумкин. Шу кунларда 150 мингта дафтар тайёрланмоқда.

Дастгоҳлар эски бўлишига қарамай, шу цехда 15-20 йилдан буён ишлаб келаётган Муборак Саидалиева, Роҳила Сафарова, Шоҳида Абдуясова, Галина Казанцева, Наталья Турусова, Ильза Тупикова сингари аёллар ўз касбларининг ҳақиқий устаси эканликларини исботламоқдалар. Уларнинг чаққон ҳаракатларини кузатиб турар экансиз, ана шунга амин бўласиз. Албатта, уларнинг мана шундай меҳнат қилишлари учун, оиласидан, болаларидан кўнгли тўқ бўлмоғи керак.

Корхонанинг 240 ўринли болалар боғчасида барқамол авлод вояга етмоқда. Ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари бу ерда бепул тарбияланадилар. Ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларида эса оромгоҳларга навбати билан йўлланмалар берилади. Ҳозирда 30 нафар ўғил-қиз оромгоҳларга юборилган. Ёзги таътилни охири ойда оналар ўз болалари билан бирга дам олиб, давола-нишлари учун қасаба уюшмаси йўлланмалар ажратди.

Корхона ҳаёти билан танишар эканмиз, жамоа орасидаги меҳр-оқибат, бир-бирига ҳурмат, саноатчилик мавжудлиги бизни мамнун этди. Яқинда шу корхонада 16 ёшдан буён ишлаб келаётган Александр Грибовнинг меҳнат фаолиятига 50 йил тўлиши байрамга айланиб кетди. Корхона маъмурияти, меҳнат жамоаси, шоғирдлар уни чин дилдан кутлашди. Катта машинист Аркадий Суханов эса 52 йилдан бери қоғоз ишлаб чиқариш цехида баракали меҳнат қилади. Ана шундай инсонлар бу меҳнат жамоасида доимо эъзозланади. Меҳнат фаолиятига 25, 30, 40 йил тўлганлар алоҳида тақдирланади. Бундайлар эса кўпчиликни ташкил этади. Жамоада ишлаб кетган 24 нафар уруш фахрийлари эса ҳар йили Галаба кунини йўқлиб, уларнинг кўнгиллари кўтарилади — совғалар улаштилади. Наврўз ҳамда Мустақиллик байрамларида ишчи-хизматчилар билан бир қаторда меҳнат фахрийларига ҳам мукофотлар тарқатилади.

Ҳарқалай, хиссдорлик жамиятида меҳнат жараёни бир маромда кетяпти. Корхона раҳбарлари ҳам, ишчи-хизматчилар ҳам муаммолар ечилиши топиш йўлида саъй-ҳаракат қилишмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА.

## ХАРИДОРНИ ТОПГАН БУЮМЛАР

**«Эталон» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат мамлакатимизда, балки унинг ташқарисида ҳам яхши маълум.**

Корхона мутахассислари Давлат стандартининг метрологик институтлари ва республика-

миздаги бошқа халқ хў-

жалиги тармоқлари учун юксак аниқликдаги ускуна ва жиҳозларнинг тажриба ва туркум буюмларини ишлаб чиқармоқда.

Ҳозирги вақтда «Эталон» фаолиятида кўзга ташланадиган устувор йўналиш шуки, бу ерда янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга асосий эътибор қаратилмоқда. Бу борада ўтган йил самарали бўлди.

Корхона томонидан халқ истеъмоли буюмларининг бир неча турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Жумладан, бу ерда тайёрланган электр пайвандлагич, озиқ-овқат термоси, алюминдан идишлар ва тарелкалар, тароқлар, чироқлар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар ўз харидорларини топди. Шунини таъкидлаш керакки, бу маҳсулотларнинг ҳаммаси корхоналарда ишлаб чиқарилаётган буюмлар даражасига мос келади.

Корхона ўзининг синов участкасига эга. Бу нараса янги маҳсулотларнинг тажриба намуналарини синовдан ўтказиш имконини бермоқда. Ҳозирги пайтда бу ерда газ ва сув ҳисоблагичлари, бензин қуядиган колонкаларнинг тажриба намуналарини ишлаб чиқаришга тараддуд қўрилмоқда.

Биз «Эталон» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари В. А. Федоров билан корхона жамоасининг бу йилги ишлари ҳусусида суҳбатлашдик.

— Бу йил биз Игмин тарози заводи ва Кўкчетовдаги ускунасозлик заводи билан ҳамкорликда 15 килодан то 100 килограммгача юсларни тарта оладиган тарозиларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни мўлжалламоқдамиз. Шунингдек, Польшанинг «ЗАГ» фирмаси билан ёнли тарқатиш колонкаларини ишлаб чиқариш бўйича кўшма корхона тузиш ҳусусида музокаралар олиб бормоқдамиз.

Ҳа, корхонада кенг қўламдаги изланишлар олиб боришмоқда. Бу изланишлар самараси ўлароқ янгидан-яңи маҳсулотлар тайёрлашга эришилмоқда.

Саид СОЛИЕВ.

Ён қўшимиз Ботир ака шикоят қилиб қолди.

— Ҳовлимизга яхши ният билан бир-икки туп гилос эккан эдик. Бу йил мўл ҳосил берди. Болалардан ортганини териб бозорга олиб борсам, пештахтада тоғора қўйишга жой йўқ. Харидорлар билан гавжум бўладиган жойларнинг ҳаммасини олибсотарлар эгалла олишибди. Ёнларига йўлатишмайди. Талашиб-тортишиб тоғорани бир ерга жойлаштирдим. Ёнимга дарҳол паттачи келди.

— Қани тоға, патта пулини чўзинг.

— Ҳали ҳеч нарса сотганимча йўқ. Савдо қилай, албатта тўлайман.

Паттачи ёнимдагилар билан «жиққа мушт» бўлаётганимни кўриб, менга маслаҳат солгандай бўлди:

— Уша ерга тиқилиб нима қиласиз, тоға? Ундан кўра манави ерга жойлаша қолсангиз бўлмайди?

— У ер оёқ ости-ку. Тоғора қўйиш қандоқ бўларкин?

— Бозор деганлари шунақада, тоға.

Ке, энди шуларнинг кўзига ёмон кўринмай, тезроқ сотиб кетақолай, деб гилоснинг баҳосини ёнимдагиларникидан арзонроқ айтдим.

— Нима қиласиз, ҳой отам, — деди ёнимдаги жиккакина жувон ўшшайиб. — Бозор баҳосини ерга урвордигизку.

Нариги томондаги аёл сўз қотди:

— Бобайнинг говмушлари болаларга кўринади. Сут баҳоси бўляпти.

Гап тагидаги ним косадан асабим кўзиди.

— Мол ўзимники, билганимча сотаман, — дедим уларга бўш келмасликка уриниб.

Шу тобда бир йигит

имлаб мени нари чақирди. Олдида борсам эски кадрдонлардек кўш қўллаб кўришди.

— Менга қаранг ота, қизингиз тенги аёллар билан талашиб юрасизми? Яхши-си биров тушиб берсангиз ўзим олиб қоламан молигизни.

Олдинига ўчакишиб «йўқ», дедим. Кейин, «Асабимни бузиб менга нима. Сотсам сота қолай» деб йигитнинг айтганига гилосни сотиб юбордим. Энди ҳисоб-китобини қилиб бўлган эдик, маҳалламиз кексаси Исмаи ота келиб қолди. Қўришиб: «Ҳа отахон, нима қилиб юрибсиз?» десам: «Кампирим касалхонада, тоби қочиб ётибди. Шунга озроқ гилос олиб, кўриб келай, дедим. Минг қилса ҳам янгилик-

## ДЕХҚОН БОЗОРИ КИМНИКИ?

да», деб қолдилар.

— Мана гилос. Шундан олақолинг, — дея ҳозиргина ўзим сотган гилосни унга кўрсатдим.

— Бўлмаса бир кило тортиб берақол чароғим, — деди отахон.

Шу чоқ мен билан олдинги қилган йигит чимирлиб: «Тавба, гилос меникими ёки сизники», деб мингирлади. Кейин ундан бир кило тортиб отанинг халтасига ағдарди.

Йигитнинг қўлига 50 сўм тутқаздим.


— Шунини олиб отамни дуо қилган, дедим.

— Яна 50 сўм қўшасиз, — деб туриб олди у. — Гилос меники, баҳоси 100 сўм бўлади.

«Отага мен сотган нархда берақол», деб шунча



алиндим, бўлмади. Кекса кишининг олдида роса мулзам бўлди. Тавба, ўзининг молинига ўзингиз ҳужайинлик қила олмасангиз. Қанақа инсофсизлик бу ўзи?.. Бирдан ҳаёлимга наҳотки шунча гап-сўзлардан сў-



бошқа ноз-неъматлари уюлиб ётибди.

Харидорлардан сўраб-суриштираман улар: «Эй ака, қизик экансизку, улар йил ўн икки ой бозорда-ку» дейишди қулишиб.

Ботир ахонинг шу гапла-

«Олой» бозорига олиб келиб сотаман. Афсуски, шундай катта муҳташам бозорда пештахталардан жой топилабди. Маҳсулотимизни ерда сотишга мажбур бўламиз. Ахир деҳқон бозори деҳқонлар учун қанча маблаг сарфланиб қурилганми? Арзон сотсам ҳам, қиммат сотсам ҳам бир бало. Бунинг устига ҳар дамда ён атрофингда: «Зерикмадингизми, қари одам майдалаб ўтиргандан кўра арзон бўлса ҳам кўтара сотиб кета қолмайсизми» деб сенга «меҳрибончилик» қилиб турадиганларнинг кўпчилигини айтмайсизми?

«Сизларчи, сизлар, зерикмайсизларми», десам, «биз шу ернинг кундашундасимизку», деб қулиб қўйишди.

Улар фақат шу билан чегараланишармикин? Бозордаги нарх-навоининг осмонга кўтарилиб бориши-чи? Бунда уларнинг «ҳиссаси» қанчалар катталигини гапириб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ. Ишонмасангиз синаш учун хоҳлаган бозорингизга бориб, бир чеккадан бир турдаги маҳсулот баҳосини сўраб чикинг. Агар ора-чора айтилган баҳодан биров пастга тушадиганлар (улар албатта деҳқонлар бўлади) бўлмаса, деярли ҳамма сотувчиларнинг оғзидан бир хил нархни эшитасиз. «Вой тобба», дейсиз. Охирида ўзингизча ҳулоса чиқариб: бу нима ўзи, бозорми ёки дўконми, деб ўйлайсиз.

Ахир шарқона одатимизга кўра бозорда ҳаммаша савдолашади. Рақобат дегани шу-да! Бозорлар шунинг учун ҳам бозор-да. Шундай деймизку яна беихтиёр ўйланиб қоламиз. Бозорларда олибсотарлар акка ҳукмрон бўлар экан, нархлар ҳам осмонга кўтарилаверадилар.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ.  
СУРАТЛАРДА: шахар бозорларидан лавҳалар.  
Рашид Галиев олган суратлар.



**Яккасарой тумани ҳокимлиги назорат инспекцияси туман ҳудудига жойлашган дорихоналар фаолиятини ўрганиб чиқди.**

«Аюб-Хон» очик турдаги акционерлик жамияти, «Аль-Рози» жамоа корхонаси ва «Ферст Фарм» саноаткорлик ЛТД номли дорихоналар аҳолини дори-дармонлар билан таъминлашда дуруст фаолият кўрсатяптилар. Уларда туман ҳудудий табиёт бирлашмаси билан ҳамкорликда ногирон беморларни ўз вақтида ҳисобга олиш, уларга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Дорихоналар Вазирил Маҳаммадининг қарорига мувофиқ рўйхатда кўрсатилган доимий дори-дармонларни чекланган нархда сотяпти.

Бундан ташқари биргина «Ферст Фарм» саноаткорлик ЛТД фирма-

си шу йилнинг ўзида фақат туман аҳолисига хизмат кўрсатибгина қолмасдан мулкчилик шаклидан қатъи назар 321 та корхона ва

Масалан, «Ёшлик» хусусий фирмаларида рўйхатда кўрсатилган доимий сотувда бўлиши керак бўлган 20 номдаги дорилар-

## ДОРИХОНАЛАР ҚОНИҚАРЛИМИ?

муассасаларга 100 хилдан ортик дори-дармонлар етказиб берди.

Аммо бу масалада бирмунча камчиликлар борлиги ҳам маълум бўлди.

Айрим дорихоналарда рўйхатда кўрсатилган чекланган нархдаги дори-дармонлар етарли даражада йўқлиги, ногирон беморларга имтиёз ёрдам кўрсатишда нуқсонлар борлиги ҳамда ўзаро шартномаларнинг суст бажарилиши аниқланди.

дан фақатгина 8 таси бўлган, «Дармону-Малҳам» дорихонасида эса бундай дори-дармонлардан 12 таси мавжуд бўлган.

Бундай ҳоллар «Собир-Толгат» хусусий фирмаси, «Гален К-Х» масбулияти чекланган жамияти, «Адолат — 5» хусусий фирмаси ва «Нуршод-уюн» дорихоналарида ҳам мавжудлиги аниқланди.

«Сабод-текс» хусусий фирмаси дорихонаси аҳолини дори-дар-

монлар билан таъминлаш бўйича фақатгина биргина шартнома тузиб, унинг устидан етарли даражада назорат ўрнатмаган.

Ўрганилган дорихоналар фаолияти тўғрисидаги маълумотнома натижалари туман назорат инспекциясининг кенгашида кўриб чиқилиб, аҳолини дори-дармон билан таъминлаш бўйича бир қатор тавсиялар берилди.

Бир йўла тумандаги барча дорихоналар раҳбарларига рўйхатдаги 20 хил доимий дори-дармон билан аҳолини таъминлаш вазифаси топширилди.

«Ёшлик» ва «Нуршод-уюн» номли дорихоналар фаолияти тўхтатилди.

Эргаш ОТАЕВ,  
Яккасарой тумани ҳокими ўринбосари,  
назорат инспекцияси бошлиғи.

Юнусобод туманидаги 8-автокорхона ҳудудига жойлашган «Мерседес-Бенц» автобусларига техник хизмат кўрсатувчи хўжалик ҳисобидаги марказнинг таъмирлаш цехи усталари ҳаммаша ўз ишларига масбулият билан ёндашдилар. Улар томонидан тайёрланган юмушлар доимо сифатлиги билан ажралиб туради.

СУРАТДА: устахонанинг электр чилангари Фарҳод Тўрабеков иш устида.

Беруний номи билан аталувчи шоҳ кўча 1996 йилда мустақиллигимизнинг 5 йиллигини нишонлаш арафасида тубдан янгиланди: кўча кенгайди, сифатли асфальт ётқизилиб, хийбоналарга манзарали дархатлар экилди ва фавворалар қўрилди. Кўчанинг бир тарафида жойлашган шинам, дид билан қўрилган бекатлар ҳамда газета — журналлар билан савдо қиладиган соябонлар қўрилди.

Аммо айнан шу Беруний кўчасининг иккинчи тарафида бекатлар тақдир бошқача бўлди. Чорсудан «Ал-Помийш» спорт саройигача бўлган жойларда гишт, цемент, металл мослама-материаллар келтирилиб бекат қуриш ишлари авжига чиқди. Бироқ биноийдек бекат қад ростлаб, устидан соябонлар учун металл мосламалар ётқизилган ҳаш-паш дегунча ҳаммаси бузиб ташланди.

Орадан маълум муддат вақт ўт-

ган бузилган бекатни қайтадан тиклаш ишлари бошланди. Бузиб олиб кетилган соябон мосламалар келтирилиб қайтадан тикланди, лекин афсуски энди бу ерда на бир ўрин-

## СОЯБОНСИЗ БЕКАТ

дик, на тепада соябон бор. Бу бекатларни соябонсиз бекатлар деса бўлади.

Бу ҳақда «Ўзгазлойиҳа» институти жамоаси 1996 йилнинг ноябрыда Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасига илтимос билан хат ёзди. Бу хатта 1997 йил

март ойида соябонни ёпадиган «лексан» деган материал йўқ, у қелсагина бекат соябонлари ёпилиши мумкин, деган мазмунда жавоб хати олинди.

Бир кўчада икки хил манзара: кўчанинг бир томонида замонавий, қулай соябонли бекатлар бўлгани ҳолда, кўчанинг иккинчи томонида соябонсиз бекатлар, йўловчилар қишқировли ва ёмғирли кунларда дийдираб транспорт қутса, ёз ойларида жазирама иссиқда миядан офтоб уриб, уриндиксиз жойларда тик оёқда туриб транспорт қутишга тўғри келади.

Наҳотки Тошкентдек шаҳри азимда бекат соябони учун материал топиламаса?

«Ўзгазлойиҳа» институти жамоаси номидан:  
Саодат СОДИҚОВА,  
жамия 8 имзо.





«Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси ҳамда Фарғона вилоят ҳокимлиги томонидан Марғилонда ёш хонандаларнинг устоз ҳофиз Маъмуржон Узоқов хотирасига бағишланган кўрик-танлов бўлиб ўтганлигидан «Оқшом» муштарийларининг хабари бор.

Бир неча кун Марғилон боғлари минглаб санъат шайдоларини ўз бағрига олди. Ва нихоят танлов якунланиб, ҳайъат аъзолари — Фаттохон Мамадалиев, Ўлмас Саиджонов, Исроилжон Ваҳобов, Темур Маъмуржон, Муҳаммаджон Узоқов ва Рифатилла Қосимовлар ғолибларни эълон қилдилар.

Тошкент Давлат маданият институтининг ўқитувчиси, истеъдодли хонанда Оролмирзо Сафаровнинг ижрочилик маҳорати юксак баҳо-ланди ва у кўрик танлов ғолиби деб топилди.

Оролмирзо билан Марғилонда ғолиб бўлиб қайтган кунларида учрашдик. Кўрик таассуротларининг ҳарорати ҳали сўнмаган, Марғилон ҳавосининг нафаси билиниб турарди.

— Оролмирзо, авваламбор ушбу танловда эришган муваффақиятин-гиз билан кўп сонли муҳлисларин-гиз номидан кутламоқчимиз. Ушбу кўрик-танлов ҳақида ўз фикрларин-гиз билан ўртоқлашсангиз.

— Раҳмат. Уч кун мобайнида Марғилон маданият ва истироҳат боғи республикасининг турли вилоятларида устоз ҳофиз хотирасини улуғлаб келган кекса санъаткорлар, шоғирду муҳлис ва 60 га яқин даъвогарларни ўз бағрига олди. Бу ердаги чин ўзбекнаво самимиёт, бетакор лутф, ўзаро меҳр-қибат кишини лол қолдиради.

Улуғ санъаткор Маъмуржон ака айнан шу богда бир вақтлар бор овоз билан ёниб куйлаган, халқ сайилларига завқу шавқ бағишлаган эканлар.

Диплашув

## КЎШИҚЛАР ҚАНОТИДА

Маъмуржон Узоқов хотирасига бағишланган кўрик-танлов ғолиби, истеъдодли хонанда Оролмирзо Сафаров билан мулоқот

Боғнинг қай бурчагига борманг, унинг ширали овози, кўшиқлари эшитилётгандек туюлади, назарингизда. Халқимиз орасида ноёб истеъдод соҳиблари жуда ҳам кўп. Бундай танловларни тез-тез ўтказиб туриш жуда зарур ва фойдали деб ўйлайман. Чунки айнан шундай тадбирларда ёш ижрочилар орасидан энг маҳоратлилари танлаб олинади, уларнинг санъати элга маълум бўлади.

— Кўрик шартлари ва уларда ижро этилган кўшиқлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтсангиз. Ўзингиз қайси кўшиқларингиз билан қатнашиб, муҳлислар олқишига сазовор бўлдингиз? Бу танлов сизнинг биринчи танловингиз бўлмас керак?

— Агар ёдингизда бўлса «Қамолот-91» кўрик-танловида қатнашиб, олий мукофотни қўлга киритгандим. Бу галги кўрик-танлов эса ҳаётимдаги иккинчи унутилмас бир тадбир бўлди дасам муболага бўлмас. Мазкур танлов тўғрисида мен ўзимда ҳис қилмаган қирраларни кашф этдим. Мен одатда саҳнада юқори авжи кўшиқлар ижро этмасдим. Маъмуржон Узоқов ижро этган «Эй дилбери жонон», «Бир келиб кетсин», «Ёр истаб», «Ул шўхи жонон» каби кўшиқларни тинглаб ўзим ҳам шундай авжда кўшиқлар айта оламани деб ўйладим. Кўрик-танловнинг якуни меҳнатларимнинг зое кетмаганини кўрсатиб турибди. Кўрик-танловда қатнашган барча хонандалар Маъмуржон ака йўлида, аммо ўзига хос ижро йўналишларида ўз маҳоратларини талқин этдилар.

Танлов ўта қатъий ва талабчан низомига биноан уч босқичда бўлиб ўтди. Биринчи босқичда «Суратинг» (Фуркат), иккинчи босқичда «Бухоро тўлкини» (Навоий), учинчи босқичда «Феруз-1» (Оғай) ғазалларига басталанган кўшиқларни ижро этдим.

Ҳайъат аъзолари ҳам ҳар бир иштирокчининг ижро йўллари, овоз имкониятлари, саҳна ва талаффуз маданиятларини кузатиб, ҳолис баҳоладилар.

— Агар бу танловда ғолиб бўлмаганингизда, афсус қилган бўлармидингиз?

— Марғилон — қуралай қўш шаҳар дейишадилар. У ердагилар жуда нозик дидли, санъатчи чўқур севадиган инсонлар бўлишадилар. Борди-ю, мен ғолиб бўлмаган тақдиримда ҳам, Маъмуржон аканинг овозлари мўлдим янграб турган ўша машҳур богда кўшиқ айтганимдан ўзимни бахтли ҳисобладим.

Халқимизнинг пешкадам ҳофизлари олдида ўз санъатининг озми-кўпми қирраларини намойиш этганимдан гоёт хурсандман.

— Кўшиқчилик санъатида сизнинг ўзига хос услубингиз ва йўналишингиз бор. Санъатини, кўшиқчиликни танлашингизга нималар сабаб бўлган?

— Болалигим Самарқанд вилоятини-

нг Самарқанд туманида ўтган. Отам Абдуманноп Сафаров 40 йил мактабда тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлаганлар. Халқимизнинг мероси, мумтоз куй ва кўшиқларини жон диллари билан севиб тинглардилар. Айниқса, Ўзбекистон халқ артисти Маъмуржон Ғофуров ижросидаги кўшиқларни эшитиб, ўзлари ҳам хиргойи қилиб юрардилар. Бизга ҳам Фузулий, Навоий, Бобур, Фуркат ғазалларини ўқитиб, ёд олдирадилар. Ота-бизнинг аллалари эса мени илк бор оҳанглар оламига олиб кирган. Отамнинг онаси Ойсиҳат ая доирада бахшилик қилардилар. Улар асосан халқ дostonларидан намуналар ижро этардилар. Бувим айтиб берган кўшиқлар менда чўқур таассурот қолдирган. Халқимизнинг бой ранго-ранг муслиқ дунёси эса кўнглимга муслиқа умрбод шайдоликни солиб қўйган.

— Ҳозирги ўзбек кўшиқчилигининг равақ тамойиллари ҳақидаги фикрингиз?

— Кўшиқчилигимизда мақом йўллари, усуллари етакчи бўлиши шарт. Чунки «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Чоргоҳ» каби асрий дурдоналаримиз бир-бирини бойитиб, мукамаллаштириб шаклланган. Бу мақомларнинг усулларида халқимизнинг тарихи, урф-одатлари ёрқин кўриниб туради.

— Кўпгина ёш хонандалар, турли дасталар замонавий Фарбу Шарқ мусикаларидан фойдаланиб, енгил-елпи, ёшлар ўртасида оммалашадиган кўшиқларни айтишмоқда. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Менимча, мусиқани «Фарбники», «Шарқники» деб ажратиш тўғри эмас. Чунки у инсонга берилган илҳом. Бошқа халқлар мусикасидан фойдаланиши мумкин. Ривожланиш, тақомил учун ҳам олиш керак. Асосий масала — нимани ва қандай олишда, ундан фойдаланишдир. Шунинг учун, билиш лозим. Лекин кўр-кўрона, тўғридан-тўғри кўчириб, ўзлаштириб олиш...

Ҳақиқий санъаткор халқ орасида кенг тарқаладиган ва узоқ ёдда қоладиган битта бўлса ҳам ўз кўшигини яратиши лозим. Шундагина у эл ҳурмати қозонади. Ўзбек кўшиқчиси энг аввало мақомчилик ҳазинаси, мақом йўллари урганиши шарт деб ўйлайман.

— Устозлар, устоз санъаткорлар ҳақида фикрингиз. Улардаги қайси хислатларни ўзингизда мужассамлаштиргансиз?

— Инсоннинг ҳаётда устозлари жуда кўп бўлади. Ёшлигимда илк бор кўлимга соз тутқачи, кўшиқча меҳр уйғотган биринчи устозим — акам Абдухалил Абдуманнопов бўлса, мактабда мусикадан дарс бериб, унга ҳавас уйғотган устозим Болта ака Раҳобовни доимо ҳурмат билан тилга оламан.

Ҳозирги кунда мен билан ҳамкорлик қилаётган бастакорлар Бахрилло Лутфуллаев, Раҳматжон Турсунов ва Аҳмаджон Дадаевларни ўзимнинг устозларим деб эъзозлайман.

Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Таваккал Қодиров, Фаттохон Мамадалиев ижросидаги кўшиқларни ёниб қўлайман. Уларнинг жуда бой, серқирра ижро бисотида росмана эл мусикаси намуналари, ўтмиш ва ҳозирги замон ўзбек бастакорларининг куй, кўшиқ ва катта ашулалари, Тошкент — Фарғона мақом йўллари асосий ўринини эгаллайди. Мен ҳам кўлимдан келганича устоз санъаткорлар ижодини кузатиб, уларни ўзимда мужассамлаштиришга ҳаракат қиламан.

— Оролмирзо, суҳбатимизни яна узоқ давом эттиришимиз мумкин. Зеро, саволлар бир талай. Ижодкор изланишлар, кузатишлар билан чекланиб қолмайди. Унинг кўнглида доимо режалар, орзулар мўл бўлади. Сиздаги ниятлар?

— Энг асосий режаим кўшиқ, Орзуларим чексиз. Бирдан бир ниятим таниқли бастакор Абдуҳошим Исмоилов билан ҳамкорлик қилиб, у кишининг яратган асарларини ижро этиш.

Яна бир гап. Инсон қайси соҳада бўлмасин, инсон инсонга ҳавас қилиб яшаши керак. Агар кўнглида ҳасад илдишлари томир отдими, демек билингни, у аввало ўзига, сўнг бировнинг йўлига тўғанок бўлади.

Ниятим бундай тўғаноклар ҳеч қимнинг йўлида учрамасин. Чунки кўшиқчилик санъати фақат бегубор ва ойдин йўллари ёқтиради.

Маъмура РЎЗИЕВА суҳбатлашди.

**XII Тошкент Халқаро кинофестивали маданий-ижтимоий ҳаётимизда содир бўлган катта воқеа сифатида тарих саҳифаларида қолади. Уша унутилмас воқеалар, ҳаяжонли дақиқалар, учрашув, баҳс ва кўрикларни меҳмонлар ҳам, мезбонлар ҳам унутмайдилар. Оз фурсат ўтмай, яна шахримизда дийдор кўришганларида эса яна ҳамкорлик, ўзаро муносабатлар, миллий маданиятлар аънавлари ҳақидаги дўстона суҳбатлар давом этади. Шундай экан, яқиндагина ўз ишини якунлаган анжумандан сабоқ олиш, унинг тажрибасини ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмас. Фестивални тайёрлашда иштирок этган профессор Ҳамидулла Акбаров билан бўлган суҳбат ана шу ҳақда.**

— Аввало, олий мукофотни — «Олтин ҳумо» совринини олишга муассар бўлган «Хайр, азизам!» филми ҳақида муштарийларга тўлиқроқ ахборот берайлик.

— Бахонидил, газетанинг саҳифаси чекланмаган бўлганида эди унинг барча бадиий воситаларини таҳлил қилар, актёрларнинг ҳаётий ижросини муан кадрлар мислида таърифлашга уриниб кўлар эдик. Унинг фазилатларини эслатиш билан чекланамиз: Корея кинос аҳли ўз йўлидан боришга, ўзга кинематографияларга тақлид қилмаслиқча жазм қилганларини дарҳол сезиш мумкин. Сизлар тилга олган асарда ҳам умуминсоний гоа миллий шаклда очилган. Бу фикр фильмининг қурилиши, услуби, бадиий тўқимасига тегишли. Кадрларни синчилаб ўргансак, Корея халқининг ўлмуларига, аънавларига содиқ бўлган санъаткорлар нозик дид, ҳис-ҳаяжон билан тасвирий воситаларни танлаганликлари-ни кўрамиз.

— Умуман кўрикка қўйилган асарларнинг савияси қай даражада бўлди? Барча фильмлар ҳам юксак даражада эмасмикин, деган фикр ҳам пайдо бўлди бизда. Санъат саройида кўрик кунлари айрим ўриндиқлар бўш қолганини кўрдик.

— Урили савол. Жавобимиз ҳам тайёр. Тошкентта турли кўндалардан фильмлар, ижодкорлар келди. Бинобарин, фестивалнинг репертуари мазму, жанр жиҳатидан ранг-баранг асарлардан ташкил топди. Уларнинг айримларини бадиий жиҳатдан баркамол деб бўлмайди. Лекин худди шу асарлар муайян миллий кинематографияларда содир бўлаётган воқеалар давом этаётган изланишларга тавсиф беради. Шу боис уларни рақобатда иштирок этиши эмас, ахборот кўригиде қатнашиши лозим топилди. Лекин таъкидлаб ўтганим, фестивал экранда кўрсатилган асарларнинг аксарияти юксак талаблар-

## ҚАДРИЯТЛАРНИ УПУҒЛАЙДИ

(XII Тошкент Халқаро кинофестивали якунларига доир)

га жавоб берди. Франция, Италия, АҚШ фильмларининг юксак мадания-тидан хабардор эдик, лекин Хитойни-нг ҳаётий кинотасмалари, Кореяни-нг меросга таяниб яратётган фильмлари, Туркиянинг қизиқарли мелодрамалари — уларнинг барча-сини санаш имконига эга эмасмиз) бизни қувонтирди. Биз баъзи мил-лий кинематографияларни қайта ка-

жам бўлдик, ўзга мамлакатларнинг курсатмаси билан эмас, ўзимизга маъқул бўлган, кинога хизмат қила-диган режалар амалга ошиши учун йул изладик. Президентимиз анжуман иштирокчиларига йўллаган таб-риқ сўзларида бундай йилнинг қадрият-лар, турли миллатлар маънавияти яқинлашуви, бинобарин, ўзаро бойи-ши учун хизмат қилишини таъкидла-



Анжуманлар

## БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Собир Раҳимов туманидаги Фуркат номли маданият ва истироҳат боғида жойлашган оталар чойхонасида Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватловчи «Нуроний» жамғармасининг шаҳар ва Собир Раҳимов тумани бўлими томонидан «Давлат, оила, жаният, нуронийлар ва ёшлар тарбияси муаммолари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Бир пиёла чой устида ўтган бу тадбирга шаҳри-мизнинг барча туманларидан маҳалладош ва кў-ни-қўшиларига ўрнат бўлаётган фаол қариялар тақлиф этилди. Анжуманни ўтказишдан асосий мақсад бугунги кунда ёшлар тарбиясини яхши йўл-га қўйишда кўпни кўрган, ҳаёт қийинчиликларини сабр-тоқат билан енгиб ўтган мўйсифиларнинг ролини янада ошириш, уларнинг ёшлар орасида олиб бораётган ибратли ишларини кенг омма ора-сида тарғиб қилиш эди.

Тадбирни Республика «Нуроний» жамғармаси-нинг раиси Бектош Раҳимов очди. Жумладан, у нуроний отахон ва онахонларимизнинг панд-на-сиҳатлари, уларнинг ўғитлари айнан бугунги кун-да жуда зарур ва ўринли эканлигини таъкидлаб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, ша-ҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абду-раҳимова сўзга чиқиб, қизларнинг балоғатга ет-май турмуш қуришининг олдини олишда, оила-лардаги ажралишларни камайтиришда қариялар ўз ёрдамларини аямаётганлигини айтиб ўтди. Шу-нингдек у кексаларимиз ён-атрофларидаги ёш ои-лаларга нисбатан бефарқ қарамасликлари, ҳар бир оиланинг юзи мамлакатимиз юзи экани, ёшларга тарбия беришда оила сабоқларидан гапиришлари лозимлигини, ана шунда оилаларнинг бағри бу-тун, дастурхони тўқин бўлишини таъкидлади.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

Ҳар бир юртнинг ўз иқлимига, урф-одатла-ри, аънавларига боғлиқ равишда шу жойнинг ўзига хос бўлган касалликлар учраб туради. Юқумли касалликлар ичида бизнинг ўлка учун ўткир дифтерия кўпроқ учраб туриши ҳақ-терли ҳисобланади. Бу касаллик халқимиз ибор-расида «овқатдан заҳарланиш, ич бузилиши», деб ҳам аталади.

Ушбу хасталик йил да-вомида учраб турса ҳам, аксарият ёш оиларида, ҳа-во ҳарорати кўтарилиб кетиши билан қўллаб қайд этилади. Бу ҳолат бир неча омилар билан боғлиқ. Олимларнинг ис-ботлашича, соғ одам ича-гида учрайдиган ва касал-лик қўзғатувчи микроблар тушганида уларга қарши-лик кўрсатувчи фойдали микробларнинг сони ва рақобат кучи иссиқ иқлим шароитида камайиб қо-лар экан. Оқибатда, ин-сон организмнинг за-рарли микробларга қар-ши ҳимоя кучи камайди ва касаллик келиб чиқиши осонлашади.

Иккинчидан, ёзининг ис-сиқ иқлими зарарли мик-роблар кўпайиши учун ку-лай ҳисобланади. Паст ҳароратда унинг кўпайи-ши учун бир неча кун ў-ти-ши керак бўлса, иссиқ кунларда бир неча соат етарли. Шу босишдан ёз кунларда хона шароити-да сақланган тайёр овқат-лар тез бузилиб қолади. Бундай таомни истеъмол қилиш эса касалланишга олиб келади.

Ёшларнинг касаллик қўзғатувчи микроблар билан қўпайиб кетади. Улар-нинг савдо қилиш шароит-ларини бир тасаввур қилиб қўрайлик. Аввало уларни-нг кўпчилиги оёқ ости, сер-катнов жойларда чанг, иф-лосга қарамай савдо қила-веради. Битта идидида чайинди сифатида фойда-ланиш учун сув солиб қўйилади. Бор йўғи мавжуд 2 та пиёла ёки стакан бун-дай савдо қайилаверган, айрон билан чайинди сув-нинг фарқи қолмайди.

Кўп йиллик кузатувлар-дан маълум бўлишича, ўт-кир ичак касалликлари кат-та ёшдагиларга нисбатан болалар орасида кўп уч-райди. Айниқса, 2 ёшгача бўлган болалар тез касал-ланадилар. Уларнинг кас-салликка қалнинишларига кўпгина оналарнинг бепа-ролиги сабаб бўлади. Бо-ланинг соғлом ўсишида тўғри овқатлантиришнинг аҳамияти жуда катта. Бир марта тайёрланган овқат-

ган эдилар. Ўз вақтида айтганлар теран фикр: кино аҳли муттасил учрашиб, тажриба алмашиб, на-зарий билимлари билан ўртоқ-лашиб туришлари нихоятда зар-ур. Чунки у ҳали навқирон ёш-да! У техника билан боғлиқ! У меросни ўзлаштиришнинг йўл-ларини эндигина кашф этмоқ-да!

Турли мамлакатларга бориб ўзимиз Тошкент фестивали ру-ҳига мос келадиган асарлар тан-лаб келдик. Улар соғиринлар ол-ди. Мамун бўлдик. Халқаро ки-нофестиваллар дирекциялари-нинг президенти жаноб Брюссон эса биз билан бўлган суҳбатда фестивал ҳақида илқ сўзлар-ни айтиди, уни икки йилда бир марта эмас, ҳар йили ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ бўлар-ди, деди. Бунинг учун доимо иш-лаб турадиган Тошкент фести-вали дирекциясини тузиш ҳам-да унинг мактабини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз. Давлат акционерлик компанияси — «Ўзбеккино»-нинг раиси Т. Юнусов бошчилигида-ги ҳайъат бу ҳақда фикр юри-тиб, катта режаларни амалга ошириш ниятида. Ҳар ҳолда бу дирекциянинг доимий чоп эти-либ турадиган наشري бўлиши ҳамда у барча халқаро кинофес-тиваллар билан алоқа қилиб ту-ришини, навбатдаги Тошкент ан-жуманига тарадууд қўриб бори-шини орзу қилардик.

Фестивал тажрибасидан келиб чиқиб, яна қандай тақ-лифларни киритар эдингиз? Айтилик, анжуманнинг те-лескрандаги, матбуотдаги ак-си сизни қониқтирди?

— Ахборот мўл ва ранг-бара-нг бўлди. Лекин анжуманнинг кундалигини ёритиш билан че-кланиб бўлмайди энди. Кино ма-даниятларининг ўзаро муноса-батларини курсатувчи макомлар, фильмларнинг мазмунини айтиб берадиган эмас, уларни таҳлил қила оладиган муаллифлар за-рур бўлиб қолди... Бундай му-наққидларнинг сони ўсиб бори-ши учун ТошДунинг журналис-тика факультети ҳам ўз ҳисса-сини қўшиш ниятида... Ҳар қа-лай, фестивал олдидан журна-листлар ҳамда таржимонлар би-лан муттасил учрашиб туриши-миз, улар учун семинарлар таъ-кил этишимиз зарурлиги ҳам аён бўлди.

Шоира ИБРОҲИМОВА, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА суҳбатлашди. СУРАТЛАРДА: XII Тошкент Халқаро кинофестивалининг муҳрланган лаҳзалари.

Тошкент авиация колле-жида Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг 100 йилли-гига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Улуғ шоирнинг сиймоси тасвирланган су-ратлар, деворий газеталар билан безанган махсус хо-нага коллеж ўқувчилари тўпландилар.

Кечани очган коллеж раҳба-ри Ҳабибулла Гуломов буюк

адиб Абдулҳамид Чўлпоннинг ор-зулари ушалиб халқимиз мана ол-

Кеча давомида ўқувчилар ўзла-ри ёдлаган Чўлпон шеърларидан

Сана

## ҒОЛИБЛАРГА САЁХАТГА ЙўЛЛАМА

ти йилдирки хурлик даврида, эр-килик замонида яшаётганлигини таъкидлади.

ўқиб беришди, адиб шеърларига басталанган куй-қўшиқларни иж-ро этишди. Бир гуруҳ фаол ўқув-

чилар эса Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» асари асосида кичик саҳна кўринишини қатнашчилар-га ҳада этишди. Кеча нихоясида аввалдан эълон қилинган сура-лар ва деворий газеталар бўйи-ча танлов ғолиблари аниқланди. Ғолиблар қадимий Самарқанд шаҳрига бепул саёхат қилиш йўлланмаси билан тақдирланиш-ди.

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА.

Шоносир ШОҲАБОВ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар институти директори.





Нон — дилқўзимиз

## ДУНЁДА ЭНГ ЁҚИМЛИ

Неъмат ака қанд касалига чалингандан бери шифокорларнинг измида юради, улар айтган озиқ-овқатларни тановул қилади. Бундай хасталикда айниқса тановул қиладиган ноннинг қанақа бўлиши кераклиги муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан Неъмат ака олий ундан тайёрланган нонларни эмас, балки қора нонларни истеъмол қилади. Шу жиҳатдан олганда унинг омади юришган кўринади. Нега дейсизми?

Қорақамиш даҳасида турадиган қизи кунора келадиган пайтда Сағбон кўчаси чорраҳасида қад кўтарган ва аҳолини нон билан таъминлаб келадиган «Сағбон-нон» давлат кичик корхонасида тайёрланаётган сутли-кепаки нондан отасига олиб келади.

Тўғри, Неъмат ака ўзлари яшайдиган жойдаги дўкондан ҳам нон харид қилишади. Лекин қизининг олиб келадиган нонининг таъми жуда бошқача-да...

Ҳа, бу кичик корхонанинг аҳолига нон маҳсулотлари етказиб бераётганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин шу давр ичида корхона маҳсулотларига бўлган талаб ошгандан охири бормоқда. Бунинг боиси нимада?

— Бунинг ҳеч қандай сири йўқ, — дейди корхона раҳбари Асатулла Ҳикматов. — Ҳамма гап масъулиятни ҳис қилиб, ишга виждонан ёндошишда. Жамоамиз аъзолари ана шундай масъулият ҳиссини сезадиган кишилардан иборат. Шу боисдан улар ишлаб чиқараётган нон маҳсулотлари ҳеч вақт пештахталарда туриб қолмайди. Аксинча уларни харидорлар пешма-

пеш олиб кетишаверишади. Ҳа, ҳақ гап. Корхонанинг 80 дан ортиқ новвойлари ва хизматчилари ўз ишларига сидқидилдан муносабатда бўлганликлари туфайли бир кунда 15 тоннадан зиёд ун ёпилмоқда. Улардан ҳар куни 18 хилда турли-туман нонлар тайёрланмоқда. Буханка, патишлар, сутли-кепаки нонлар, қора нонлар, батонлар... Хуллас, уларнинг саноғи жуда ҳам кўп.

— Замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган ушбу корхона нонларини биз севиб харид қиламиз, — дейди «Ачаобод» маҳалласида истикомат қилувчи отахон Фахриддин Нуриддинов. — Ёшим улғайиб қолганиги боисидан ҳамма жойлардан ҳам нон олавермайман. Фарзандларим шу корхонага қарашли Ҳаким Ақромов мудир бўлган дўкондан ҳар куни мен ёқтирган бўрсилдоқ ва иссиқ нонларни харид қилишади. Уларнинг ҳаммасига раҳмат.

Ҳа, бу кичик корхона ўз маҳсулотлари билан Сағбон, Ҳидоятлов, Абдурахмонов кўчаларида яшовчи «Ачаобод», А. Набиев маҳаллаларининг аҳолисига, шу ерга яқин мав-

зеларда яшовчи аҳолига бўрсилдоқ нонларни етказиб бермоқда.

— Хизматчиларимиз харидорларни доим очик юз билан кутиб олишади, — дейди дўкон мудир Ҳаким Ақромов. — Чунки биз элга хизмат қилишдек олий мақсадни ўз олдимишга ният қилиб қўйганмиз. Ахир эл дастурхонини дунёда энг ёқимли хид таратадиган, ризқимиз бўлган нонлар билан бойитишдан ҳам савоблироқ иш борми?

Ҳа, Собир Раҳимов туманидаги «Сағбон-нон» давлат кичик корхонасида тайёрланаётган ва шу корхонага қарашли дўконда аҳолига сотилаётган нонлар барчага манзур бўлмоқда. Бунда новвойларнинг ҳам, дўкон хизматчиларининг ҳам муносиб улушлари бор. Ана шундай хизматдан ҳар қанча мамнун бўлса арзийди.

Хондамир СОЛИХОВ.

**СУРАТЛАРДА:** «Сағбон-нон» давлат кичик корхонаси фаолиятдан лавҳалар: (чапда) смена устаси Зиёвуддин Аббасов. У бош бўлган смена ҳар куни биринчи навли ундан 6 тоннага етказиб нон тайёрламоқда; (ўнгда) Озода Саъдуллаева ва Муҳайё Убайхоновалар патиш нон тайёрлашмоқда; пастдаги суратда эса корхонада тайёрланган бири-биридан ранг-баранг маҳсулотларни харидорларга сотиш пайти.


Рашид Галиев олган суратлар.



Ёз фасли келиб, жазирама иссиқ борган сари аажига чиқмоқда. Мана шундай пайтда соя-салқин гўшалар кишини ўзига қорлайди. Албатта, имкони борида кишилар тоғ ён бағирларига борадилар. Иш билан бандлар-чи? Улар бўш вақтларида ёки ишдан кейин кечки пайтлари чиройли фавворалар атрофига борадилар, марокли ҳордик қиқарадилар. Умуман, бугунги кунда шаҳримизда фавворалар қандай, янгилари бунёд этиляптими? Биз шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасига қарашли ирригация трести дренаж ва фавворалар бошқармаси бошлиғи Босит Ҳошимовга ана шундай саволлар билан мурожаат қилдик.

— Умуман Тошкентда 50 га яқин ҳар турдаги фавворалар бўлиб, уларнинг асосий қисми яқин 5-6 йил ичида, яъни республикамиз мустақилликка эришгандан кейин қурилди. Буларга мисол қилиб Ўзбекистон кўчасидаги тўртта янги фаввора, Амир Темур хиббонидаги гулсифат қилиб ишланган тўртта фавворалар, Темурийлар тарихи давлат музейи олдидаги фавворалар, Биржа маҳалласидаги, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги олдидаги чиройли янги фаввораларни олишимиз мумкин. Булардан ташқари Эски ша-

## ШАҲРИМИЗ ФАВВОРАЛАРИ



ҳардаги, Навоий театри, Шоирлар хиббони, Ўзбекистон тарихи музейи ва бошқа шунга ўхшаш қатор жойлардаги фавворалар шаҳримиздаги иссиқ иқлимни юмшатиш, намланган ҳавони юзага келтиришда муҳим аҳамиятга эга. Мустақиллик майдонидаги тўртта фавворалар гуруҳи

ҳам ўша жойда салқин ҳавони юзага келтиради.

Шу билан бирга кейинги пайтларда янги фавворалар ҳам қуриляпти. Шаҳар ҳокимлигининг янги биноси олдидаги, янги ишга тушганларидан — «Туркистон» саройининг олди ва орқасидагилари —

Нихол

## ЮЛДУЗИНГ ПОРЛАСИН, СИТОРА



**Болаларнинг сеvimли «Зумраша» ҳажвий киножурнали ижодкорлари ҳақида ёзиш истаги билан «Ўзбекино» давлат акционерлик компаниясида бўлдик. Мақсад ойнаи жаҳон орқали кўпчиликка танилиб бораётган Ситора Тўлаганова билан учрашиш эди. Режиссёр ёрдамчиси Мазлума Пўлатова:**

— Ситора Тўлаганова шахримиздаги 208-мактабнинг 6-синфда таҳсил олади, аълочи ва эзкоқ қизалоқ. — деди табассум билан. — Уч ёшлигидан санъатга меҳри сезилган...

Одатда биз мактабларда аълочи, иқтидорли ўқувчиларни тенгдошларига ўрнатиб қилиб кўрсатамиз. Лекин кўнглимизда бир савол ётади: «Уша аълочи келажакда ким бўлади?». Ситора ҳам «Зумраша», «Наштар» ҳажвий киножурналларида митти актёр, айни чоғда мактабда аълочидир.

— Уч ёшимда «Томоша» фольклор дастасига қатнаша бошлаганим, — дейди у биз билан суҳбатда, — олти ёшимда режиссёр Мухтор Отамирзаевнинг «Тутинган сингил» фильмида роль ижро этдим. «Ялла» ансамбли бадий раҳбари Фаррух Зокиров кўмагида кўшиқ ва рақслар ўргандим. Устозларимдан Мазлума опа Пўлатова, «Томоша» дастасининг бадий раҳбари Нодира Қурбонавалар менга катта ёрдам беришди. «Наштар» ҳажвий киножурналида ундан зиёд, «Зумраша»да эса бешта роль ўйнадим. Мактаб ҳаётидан сценарий ёзиб, уюшмага топишдим. Пианино чалишни биламан. Ўзбекча, русча, арабча кўшиқлар ўрганилган. Таникли актёрлардан Шўхрат Эргашев, Ойбарчин Бакирова билан бир фильмда суратга тушганимдан фахрланаман. Кўчаларда болакайларнинг мени кўрсатиб «Вой, бу қизалоқни «Зумраша»да кўрганман» деб юборишларидан сеvimлиб кетаман.

— Сенингча, «Одобнома» дарсларининг «Зумраша»ларга таъсири бўляптими? — Менимча, таъсири бўляпти. Болаларнинг ота-она, эл-юртига меҳри ортмоқда. Ситоранинг таълим масканидаги ҳаёти билан яқиндан танишиш мақса-

дида катталарнинг фикрларини билишга қизиқдик. ♦ **Евгения Зайцева, Ситоранинг синф раҳбари:**

— Ситора тенгдошларига ибрат, синфда, мактабда барча тadbирларда фаол қатнашади. Зукко, зийрак қиз. Ҳажвий ролялар уйнаб танилаётганидан хурсандимиз.

♦ **Моҳира Тўлаганова, Тошкент Давлат маданият институтининг жаҳон тиллари ва адабиёт кафедрасининг катта ўқитувчиси:**

— Қизим Севар шу мактабнинг 11-синф аълочи ўқувчиси, Ситора ҳам аълочи. Иккисининг санъатга меҳри юксак. Ситоранинг актёрликка қобилияти қачон пайдо бўлганини аниқ билмайман, лекин табиат юқтирган дейишдади. Ушанда у уч ёшда эди.

Республика «Болалар» жамағатининг «Томоша» фольклор дастаси бадий раҳбари Нодира Қурбонава Ситорадаги ажиб хислатни сезиб, митти-митти роляларга жалб эта бошлади.

Истеъдодли бу қиз 1991 йили Москвада ўтган «Ёш санъаткорларнинг Бутунжаҳон фестивали»да «Томоша» фольклор дастаси билан қатнашди ва фахрли ўринни эгаллаб, Голландияда ўтказилган фестивалда ҳам иштирок этди. Ушбу фестиваль ойнаи жаҳон орқали берилаётган чоғда истеъдодли режиссёр Мухтор Отамирзаевнинг ёш актёрга меҳри тушиб, Ситора Голландиядан қайтган режиссёр махсус сценарий ёзди. Ситора илк бор «Тутинган сингил» кўп қисмли бадий фильмида роль ижро этди.

Ситора «Наштар», «Зумраша»да образ яратишдан ташқари «Ара-лаш» ҳажвий журналларда ҳам овоз беришни уйдаламоқда. Илк бор сценарий ёзиб, бадий кенгаша тақдим этди.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ.

буларнинг ҳаммаси шахримизни кўркам қилиб туради. Бундан ташқари Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг ташаббуси билан Анхор ўртасининг саккиз жойида отилиб турадиган фаввора қурилган, бундан хабарингиз бор.

— **Бундан кейин ҳам фавворалар қурилиши давом этадими?**

— Шаҳарни қайта қуриш бош режасида жуда кўп янгидан-янги фавворалар қурилиши кўзда тутилган. Улардан бири А. Навоий номили миллий боғидан то Бўржар томонга тушадиган янги боғ мажмуидаги фавворалар гуруҳидир. Шунингдек, шаҳарнинг иқлимини муътадил ҳолда сақлаш мақсадида иккита чўмилиш хавзаси қурилади. Уларнинг бири Миллий боғдаги сатҳи 24 минг квадрат метр бўлган ховуз — бу ерда болажонлар маза қилиб чўмилишади. Иккинчиси Ўзбекистон ва Абай кўчаларининг чорраҳаси яқинида жойлашган, сатҳи 9,5 минг квадрат метр бўлган сув хавзаси — булар шаҳримиз иқлимини нам ҳолда ушлаб туриш учун қурилган.

— **Умуман, фаввораларда чўмилиш мумкинми?**

— Фаввораларда чўмилиш мумкин эмас. Аслида бу фавворалар шаҳар аҳли дам олгани борганда кўриб баҳра олсин деган мақсадда қурилган.

Султонмурод УМАРОВ суҳбатлашди.

Маҳкамлар

## БОЗУЛБАНГ

**Бозулбанг кўп йиллик ўсимлик бўлиб, бўйи 40-60 сантиметрга етади. Пояси тик ўсувчи, тўрт қиррали, туқлар билан қопланган. Барги тухумсимон, уч ёки беш бўлакка бўлинган. Май ойидан бошлаб, то кузгача биринкетин гуллайди.**

Шуниси диққатга сазоворки, бу ўсимлик фақат Ўзбекистонда ўсади. Баъзан Шимолий Тожикистонда ҳам учраб туради. Бозулбанг тоғ ён-бағирларида, ярим қўлларда ўсади. Табобатда унинг барги ва гули қўлланилади. Таркибида лагохилин, ошловчи моддалар, эфир мойи, каротин, С,К дармондорилари, кальций тузлари, органик кислоталар, қандлар сақлайди. Ундаги кальций тузлари, К дармондориси лагохилин таъсирида қон ивишини тезлатишда яхши наф келтиради. Қон босимини пасайтириш хосияти ҳам бор.

Гул ва баргларида тайёрланган дамлама қон тўхтатишда ажойиб малҳам бўла олади. Бу дамлама ички ва ташқи қон оқишларда (жароҳатланганда, бачадон, бавосил, ўпка, бурундан қон кетганда) шу билан бирга жарроҳликда қон оқшининг олдини олишда қўлланилади.

Бозулбангнинг доривор малҳамлари баъзан асаб тизимини тинчлантирувчи омил сифатида, баъзан кўз хасталиги, хусусан глаукомада қўлланилади.

Уй шароитида бозулбанг дамламаси қуйидагича тайёрланади: ўсимликнинг 10 грамм майдаланган гуллари 200 грамм қайноқ сувга солинади. 6-8 соат дамланади. Сўнгга тайёр бўлган дамлама 1 ош қошиқдан кунига 6 марта 50 грамм сувга аралаштириб ичилади. Ташқи қон оқшини тўхтатиш учун ўсимлик дамламаси доқага шимдирилиб, 5 дақиқа жароҳатланган жойга қўйилади. Таниқли олим, Ҳамид Холматов маълумотиға кўра, бозулбанг ўсимлиги Верльгоф касаллигини даволашда ҳам ишлатилади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ



## ҚУШЛАЙМИЗ!

Қадрли отажонимиз Турсун МУҲАММАД! Вақт, ҳар қандай шаклу шамойилини ўзгартирмоққа қодир бўлган тўсиқсиз оқимдир. Тонгни пешинга қадар камолотга еткази-ю, шомга қадар ортга қайтаради. Демак, қундалиқ умримиз, абадиёт қошида нур зарралари қадар кичик-у, борлиқдаги ҳар қандай жисмга илоҳийона сингиб борувчи тошқин сониялар экан.

Ўзгариш ва ўзгариш жараёни ҳам, абадиёт деворига осиллиқ соат эканки, пўртаналарга бой, балоғат онлари билан бирга, муқимлик оламига қараб кетаётган оқим ҳолатини аниқ, тиниқ кўрсатиб тургувчи идрокит шакллари десак янглишмасмиз. Вақт оқими мавжуд экан жами борлиқ ўзгарувчанлик жараёнига маҳкум. Аммо, ўзгармас жараёнлар ҳам борки, бу сизнинг, эзгу юраклик қалбингиздир. Отажон, мана шул қалбингиз билан ана олис йиллар яшаб, зурёдлар деб аталмиш сайёралар марказида баҳоли қудрат заковат нурини сочиб, энг камида яна эллик беш йил, соғ-омон бўлишингизни истаимиз.

Ҳурмат ва муҳаббат билан,  
Ўғлингиз: БЕРУНИЙ, ЖОНДИЛ.  
Қизларингиз: ГУЛБАНО, НАРГИЗАБОНУ, КАМОЛАХОН.

## «ПАРКЕНТ» БОЗОРИ ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ БЎЙИЧА 1997 ЙИЛ 1 ЯНВАРГАЧА БАЛАНС (МИНГ СЎМ)

| АКТИВ                                               | Йил бошида | Йил охирида | ПАССИВ                               | Йил бошида | Йил охирида |
|-----------------------------------------------------|------------|-------------|--------------------------------------|------------|-------------|
| 1. Асосий маблағлар ва айланмадан ташқари активлар  |            | 124338      | 1. Ўз аввалима маблағлари:           |            | 21309       |
| 2. Захиралар ва харажатлар                          | 1205       |             | 2. Узоқ муддатли пассивлар.          |            |             |
| 3. Пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар | 1748       |             | 3. Ҳисоб-китоблар ва бошқа пассивлар |            | 105982      |
| БАЛАНС                                              | 127291     |             | БАЛАНС                               |            | 127291      |

Миробод туманидаги «Мираъзам М М» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ.** Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мuddатда инобатга олинади.

«Юлдуз» хиссадорлик жамияти раҳбарияти, жамоатчилиги бошқарув раисининг биринчи муовини Шукрулла Асадовчи Акбаровга оналари **Маҳбуба аянинг** вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Педиатрия илмий-текшириш институти жамоаси лаборатория мудир Б.А.Нурматовга онаси **Рихсия ая ИСАЕВНИНГ** вафот этганиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ  
ОҚШОМИ  
Toshkent oqshomi

Муассис:  
ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:  
700000, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:  
хатлар — 33-29-70;  
эълонлар: 33-28-95,  
33-08-74, 36-57-65,  
факс: (3712) 33-29-09.

Душанба, торшанба  
ва жума  
кўчалари чиқади.  
Навр кўрасайкичи  
64690

Нашрни етказиб бериш  
масалаари бўйича турар  
жойлардаги почта бўғамларига  
ёки «Тошкент почтасига»  
33-74-05 телефонига мурожаат  
қилишнинг мумкин.